

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

БЕРДИЕВ КАБУЛ РАИМОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ АСОСИДА ҚУРИЛИШ
КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ
ОЛОВБАРДОШЛИГИ ВА ИССИҚЛИКДАН ҲИМОЯЛАШ
ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01. РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

БЕРДИЕВ КАБУЛ РАИМОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ АСОСИДА ҚУРИЛИШ
КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ
ОЛОВБАРДОШЛИГИ ВА ИССИҚЛИҚДАН ҲИМОЯЛАШ
ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of the of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Бердиев Кабул Раимович

Маҳаллий хом ашё асосида қурилиш конструкциялари ва
материалларнинг оловбардошлиги ва иссиқликдан ҳимоялаш
даражасини ошириш муаммолари 3

Бердиев Кабул Раимович

Проблемы повышения огнестойкости и степени теплоизоляции
строительных конструкций и материалов на основе местного сырья... 22

Berdiev Kabul Raimovich

Problems of increasing fire resistance and the degree of thermal insulation
of building constructions and materials based on local raw materials 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1750 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маджидов Ином Уришевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Баходиров Азизбек Абдулазизович техника фанлари доктори, профессор Қосимов Тўрабек Қосимович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01. рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил 2 август куни соат 10:00 да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№60 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халка йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99871) 235-43-30; факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz, факс: (+9987-1) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «19» июль куни тарқатилди.
(2021 йил 6 июль кундаги 1 -рақамли реестр баённомаси).



Х.А. Акромов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Х. Камилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Б.А. Асқаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун дунёда ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муаммоларнинг илмий ва техник ечимларини топиш борасида кенг қўламли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада турли қурилиш конструкциялари ва материалларини ёнғинлардан ҳимоялаш мақсадида оловдан ҳимояловчи турли самарали воситалардан фойдаланиш, жумладан конструкция ва материалларга композициялар билан ишлов бериш, иссиқлик изоляция, оловбардош лок-бўёқ ва бошқа материалларнинг таркибларини яратиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этишга катта эътибор берилмоқда. Жаҳонда содир бўлган йирик ёнғинлар тахлили шуни кўрсатдики, биноларнинг асосий конструкциялари ҳарорат таъсирида тез қўлаб тушиши, авария қутқарув ишларини ташкиллаштиришда ҳам айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Жаҳонда бино ва иншоотлар қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлигини ошириш мақсадида, органик ва ноорганик компонентлардан фойдаланиб, оловбардошликни оширувчи композициялар яратиш борасида кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан маҳаллий хом ашё асосидаги олов таъсирида каварикланиш ҳисобига ҳимоя қатламини ҳосил қилувчи композицияларининг таркибларини яратиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳаллий хом ашё асосидаги олов таъсирида каварикланувчи ёнғиндан сақлаш қопламалари таркибларини ишлаб чиқиш ва материалларга композициялар билан ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш масалалари долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда олов ва иссиқдан ҳимояловчи қурилиш материалларининг, жумладан металл, ёғоч ва темирбетон конструкцияларга ҳарорат таъсирида каварикланувчи лок-бўёқ материаллар билан ишлов бериш орқали уларнинг оловбардошлигини ошириш, қурилиш конструкцияларининг ёнғин пайтидаги бузилишгача бўлган вақтини узайтириш, авария-қутқарув ишларини ташкиллаштириш ҳамда инсонларни қутқариш каби масалаларнинг самарали амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарурати туғилмоқда. Ушбу йўналишда республикамизда “...одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, ... ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ...ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш”¹ каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлигини ва иссиқликдан ҳимоялаш даражасини ошириш учун олов таъсирида каварикланувчи қопламаларни таркибларини ишлаб чиқиш ва конструкцияларга қопламалар билан ишлов бериш технологияларини яратиш масалалари муҳим аҳамият

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2019 йилнинг 24 августдаги ПҚ-4426-сон “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятни янада ошириш тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрь кундаги 649-сон “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда кейинги йилларда оловбардош қурилиш материалларни яратишда бир қатор олимлар томонидан оловбардош қурилиш материалларини олиш ва уларнинг структураси ва хоссаларини тадқиқ этиш ҳамда технологиясининг асослари ишлаб чиқилган. Ёнғин ва олов ҳароратидан ҳимояловчи материалларнинг назарияси ва амалиётига С.Е.Артеменко, А.А.Берлин, К.Э.Горайнов, С.К.Горайнова, Г.Е.Заиков, В.И.Кодолов, М.Б.Седельникова, А.А.Страхов, Б.А.Мавлянкариев, Ш.Э.Қурбанбаев, Б.Т.Ибрагимов ва бошқа тадқиқотчилар катта ҳисса қўшганлар қўшганлар.

Маҳаллий хом ашё асосида қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва иссиқликдан ҳимоялаш даражасини ошириш муаммоларига доир геология соҳасида волластонитни ер қазилма бойлиги сифатида саноатда ишлатиш масаласи А.С.Астахов, Н.А.Архипов, Ж.К.Галиев, Г.Л.Краснянский, Н.Б.Изыгзон, Я.В.Моссаковский, И.В. Петров, А.А. Петросов, М.А. Ревазов, В.Ю. Федорин, В.А. Харченко, А.Б. Яновский, М.А. Ястребинскийларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган ва маълум даражада ижобий натижаларга эришилган.

Волластонит ва вермикулит минералларининг нафақат ёнғин хавфсизлиги соҳасида, балки геология, тиббиёт, радиология, кимё, минералогия ва бошқа фанлар доирасида ўрганилиши ҳамда унинг зарур бўлган фойдали сифатлари, турли соҳаларда қўлланилиши пироксенит минераллари гуруҳига кирувчи силикатли кальций моддаси бўлмиш волластонитнинг жамият ҳаёти учун нақадар муҳимлигини кўрсатади. Мазкур минералнинг юқоридаги фойдали хусусиятларининг мавжудлиги уни АҚШ, Германия, Россия Федерацияси, Ҳиндистон ва бир қатор бошқа мамлакатларда тадқиқот объекти сифатида кенг миқёсида ўрганилишига олиб келди. Мазкур илмий тадқиқот ишларида қурилиш конструкцияларининг ёнғинбардошлилигини таъминлашда волластонит минерали

асосидаги таркиблардан фойдаланиш назарда тутилмаган. Шу сабабли, бугунги кунда қурилиш конструкцияларининг ёнғинбардошлилигини таъминлаш ва волластонит минерали асосидаги таркиблардан фойдаланиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҳамда БВ-Атех-2018 “Маҳаллий минерал хом ашё асосида қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва олов таъсиридан изоляциялаш даражасини кўтариш” (2018–2020 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий минерал хом ашёлар асосида қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ҳамда уларни иссиқликдан ҳимоялашни ошириш учун лок-бўёқ материалларининг янги таркиблари ва уларни тайёрлаш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илмий изланишларни бажаришда фойдаланиладиган маҳаллий хом ашёларни танлаб олиш ва хоссаларини тадқиқ этиш;

маҳаллий хом ашёлар асосида ҳарорат таъсирида қавариқланувчи лок-бўёқ материалларининг янги таркибларини ишлаб чиқиш;

маҳаллий хом ашёлар асосида янги ишлаб чиқилган лок-бўёқ материалларини қўллаш орқали металл ва ёғоч асосли қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва иссиқдан изоляциялашни самарали таъминлаш масалаларини тадқиқ этиш;

металл ва ёғоч асосли қурилиш материалларига яратилган композициялар билан ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий хом ашёлар-табiiй минераллар, ноорганик ва органик полимер тўлдирувчилар асосидаги лок-бўёқ материаллар ва улар билан ишлов берилган металл ва ёғоч асосли қурилиш конструкциялари олинган.

Тадқиқотнинг предметини маҳаллий хом ашёлар асосида янги ишлаб чиқилган лок-бўёқ материалларининг термик ва иссиқлик-физик хоссалари ҳамда улар билан ишлов берилган металл ва ёғоч конструкцияларининг ёнғинга хавфсизлилик кўрсаткичлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қурилиш конструкцияларининг термик бардошлилигини ошириш усуллари, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика қоидаларининг амалга оширилиши, амалий экспериментал тажрибаларни режалаштириш, иқтисодиётнинг турли соҳалардаги ёнғинлар таҳлили, шунингдек тадқиқот натижаларининг математик статистика ва корреляцион таҳлил, спектроскопик, термик анализ усуллари, иссиқлик-физик, физик-кимёвий, оптик ва электрон-микроскопик текшириш усуллари билан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

юқори дисперсли олов ва иссиқдан ҳимояловчи таркибларни ишлаб чиқишда волластонит, вермикулит минераллари ва натрийли силикатларга ультратовушли ишлов бериш имконияти асосланган;

волластонит ва вермикулит минераллари ҳамда натрийли силикатларга ультратовушли ишлов бериш орқали олов ва иссиқдан изоляцияловчи хоссаларга эга юқори дисперсли таркиблар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган таркибларнинг ҳарорат таъсирида каварикланиши ҳисобига металл конструкцияларнинг оловбардошлиги 1500°C даражага етишига эришилган;

юқори дисперсли минерал компонентлар асосида олов ва иссиқдан ҳимояловчи силикат бўёқ маҳсулотини ишлаб чиқиш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

маҳаллий минерал хом ашёлар – волластонит, вермикулит ва силикатлар асосида бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширувчи олов ва иссиқдан ҳимояловчи каварикланувчи лок-бўёқ материалларининг янги таркиблари ишлаб чиқилган;

бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширувчи янги таркибли олов ва иссиқдан ҳимояловчи лок-бўёқ материалларини ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

янги ишлаб чиқилган оловдан ҳимоя қилувчи қопламаларни қўллаш орқали қурилиш ашёларининг ёнғин хавфлилигини салмоқли даражада камайишига эришилди, жумладан, ёнувчан ёғоч материали қийин ёнувчан гуруҳга ўтишига ва шунингдек металлларда критик (500°C) ҳароратга етиш вақти 43 дақиқага қадар кўпайишига эришилган;

янги ишлаб чиқилган олов ва иссиқдан ҳимояловчи лок-бўёқ материаллари билан металл ва ёғоч асосли қурилиш конструкциялари ва материалларни ишлов бериш орқали бино ва иншоотларда ёнғинларнинг келиб чиқиш хавфини камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, статистик усулларининг қўлланганлиги ва олинган натижаларни бошқа тажрибалар натижалари билан солиштириш орқали асосланганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва юқори иссиқлик оқимларига чидамлилигини оширишнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш, маҳаллий хом ашё - волластонит минералининг янги сифатларини аниқлаш ва ривожлантириш орқали ундан самарали фойдаланишнинг кўшимча соҳалари аниқланди. Оловдан ҳимояловчи янги таркиблар асосий компонентларининг кимёвий таркиби, физик ҳолати ҳамда иссиқлик

физикасига таъсир қилиш орқали мазкур воситаларнинг асосий ҳимояловчи хоссаларини оширишнинг самарадор усуллари ишлаб чиқиш ва ҳимоя механизмларини такомиллаштириш билан таърифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий минерал хом ашё, яъни Навоий вилоятидаги Лангар кони, Наманган вилоятидаги Пирмироб ва Самарқанд вилоятидаги Оғалиқ конларидаги волластонитлар асосида ишлаб чиқилган янги таркибли олов ва иссиқликдан ҳимояловчи лок-бўёқ материалларини олиш ва уларни қўллаш билан қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлигини ошириш, шу орқали бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфлиги даражасини самарали тарзда камайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хом ашё асосида қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва иссиқликдан ҳимоялаш даражасини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

маҳаллий хом ашёлар – вермикулит, волластонит, доломит минераллари, натрийли суюқ шиша ва бошқа қўшимчалар асосида олинган янги турдаги ҳарорат таъсирида қавариқланувчи лок-бўёқ материалларининг таркиблари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 10 мартдаги 01/2-13-004/2553-сон маълумотномаси). Натижада ёғоч ва металл конструкцияларнинг термикбардошлигини 40–45% гача ошириш, ёғоч ва темир конструкцияларининг коррозияга бардошлигини 10% га, эрозияга қарши ҳимояланишини 10–13% гача яхшилаш имкониятини берган;

маҳаллий хом ашёлар асосида олинган янги турдаги ҳарорат таъсирида қавариқланувчи лок-бўёқ материалларининг янги таркиблари Ўзсаноатқурилишматериаллари уюшмасида жорий қилинган (Ўзсаноатқурилишматериаллари уюшмасининг 2021 йил 23 мартдаги 05/15-783-сон маълумотномаси). Натижада ёғоч конструкцияларнинг оловбардашлигини 700–750⁰Сгача ҳамда металл конструкцияларникини эса 1000–1450⁰С ҳароратгача ошириш имкониятини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, улардан 1 та илмий мақола ва 1 та монография хорижда, 6 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 6 таси халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётла рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қурилиш конструкциялари ва материалларининг олов ва иссиқдан ҳимоялаш масалаларининг ҳозирги замон ҳолати”** деб номланган биринчи бобида қурилиш конструкциялари ва материалларини оловдан ҳимоялашнинг замонавий ҳолати ва меъёрий асослари атрофлича таҳлил қилинган. Металл ва ёғоч қурилиш материалларининг махсус ҳимоя воситаларисиз ёнғинларда юқори иссиқлик ва олов таъсирига дош бера олмаслиги ва умуман қурилиш материалларининг асосий ёнғин-техник таснифлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бино ва иншоотлар ёнғин хавфсизлигини таъминловчи воситаларни ишлаб чиқиш бўйича, хусусан металл ва ёғоч қурилиш конструкциялари ва материаллари оловбардошлилигини оловдан ҳимояловчи кавариқланувчи қопламаларнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва муаммолари ва уларнинг илмий ечимлари ва такомиллаштириш борасидаги илмий-техник адабиётлар таҳлил қилинган.

Шунингдек, тадқиқот ишида фойдаланилган объектлар ва қўлланилган методлар ҳақида маълумотлар тақдим қилинган. Бино ва иншоотлар ёнғин хавфсизлигини таъминловчи воситалар сифатида, оловдан ҳимояловчи кавариқланувчи қопламалар, иссиқдан сақловчи материаллар таркибларини ишлаб чиқиш учун мос келувчи маҳаллий хом ашёларни ишлаб чиваришни кенгайтириш борасидаги тақлифлар берилган. Қурилиш конструкциялари ва материалларни олов ва иссиқдан ҳимояловчи лок-бўёқ материаллар ва олов ва иссиқдан ҳимояловчи таркибларни ишлаб чиқиш борасида хорижий тажрибалар таҳлили тўғрисида атрофлича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олов ва иссиқдан ҳимояловчи лок-бўёқ материалларининг янги таркибларини яратиш ва уларни тадқиқ этиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида юқори дисперсли волластонит ва вермикулит минераллари асосида ғовак дисперс системаларнинг олиниши ва уларни назарий ва амалий тажрибалар ёрдамида ўрганиш натижалари келтирилган.

Тадқиқотларнинг дастлабки босқичида ноорганик боғловчи сифатида сувда эрувчан силикат – натрийли суюқ шишани модификациялаш ва тўлдирувчилар сифатида ҳар-хил дисперсли волластонит ва вермикулитларни олиш ва уларни гранулометриқ тадқиқ қилинган. Қурилиш материаллари ва ашёларнинг ёнғин хавфлилигини камайтирувчи антипирен хоссали таркиблар, иссиқлик таъсирида оловдан ҳимояловчи таркиблар асосий компонентларида содир бўладиган физик-кимёвий ўзгаришлар ва ушбу жараёнларнинг механизмлари ҳақидаги адабиётлар таҳлиллари асосида тадқиқотлар учун энг мос келувчи маҳаллий минерал хом ашёлар танлаб олинди. Оловбардош теплоизоляция тўлдирувчилар, олов ва иссиқликдан ҳимояловчи материалларни ишлаб чиқишда волластонит ва вермикулит каби

минералларнинг кимёвий таркиблари, кристалл структуралари ва иссиқлик физикаси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, мазкур бобда фойдаланилган объектлар ва қўлланилган методлар ҳақида маълумотлар тақдим қилинган. Бино ва иншоотлар ёнғин хавфсизлигини таъминловчи воситалар сифатида, оловдан ҳимояловчи каварикланувчи қопламалар, иссиқдан сақловчи материаллар таркибларини ишлаб чиқиш учун мос келувчи маҳаллий хом ашёлар: волластанит, вермикулит, доломит ва суюқ шишаларнинг тузилиши, уларнинг кимёвий таркиби ва асосий хоссалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, тадқиқотда фойдаланилган асосий методларнинг тавсифлари берилган. Натрийли суюқ шиша ва юқори дисперсли волластонит минерали асосидаги таркибларни олиш ва уларни синовлардан ўтказиш амалга оширилди. Натрийли суюқ шиша ва минерал тўлдирувчили таркибларнинг термик таъсирларда каварикланиш хоссалари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Волластонитни минерал оловбардош тўлдирувчи сифатида юқори дисперсли ҳолатда ишлатиш муҳим амалий аҳамият касб этади, чунки унинг юқори майдаланган фракцияси бир меъёрда боғловчи аралашмасида тақсимланиши сабабли деярли бир жинсли таркибларни олишга имконият яратилади. Бундай таркиблар бутун ҳимояланувчи материал юзасини ишончли тарзда қоплаб, ҳеч бир жойда қопланмай қолган жойларни вужудга келтирмайди. Мазкур ҳолат бундай таркибларнинг олов ва иссиқдан ҳимоялаш сифатларини сезиларли даражада ошириб, ҳар хил қурилиш блоклари ва иншоотлари, шунингдек декоратив плиткалар ва панелларни ёнғиндан самарали ҳимоялайди. Юқорида қайд этилган таркиблар ҳар хил юзаликларга суртилгандан сўнг ушбу қопламалар сувни, намликни, ташқи атмосферанинг таъсирини (CO₂) ва вақт бўйича сифатларини сақлаб қолиш самарадорлиги бўйича синовлардан ўтказилди.

1-жадвал.

Натрийли суюқ шиша, термовермикулит, доломит ва волластонитдан бўлган қопламаларнинг зарбавардошлигини ўлчаш қийматлари

Таркиб рақами	Қопламани қалинлиги, мм	Зарбавардошлик қиймати, Н×мм	Ўрта арифметик қиймати	Қоплама кўриниши
1.	2,50	35	37,5	Қаттиқ ок рангли, унча кўп бўлмаган дарз кетишларга эга
	2,59	40		
2.	2,55	45	45	Қаттиқ қатлам унча кўп бўлмаган дарз кетишларга эга
	2,60	45		
3.	2,40	25	25	Қаттиқ қатлам унча кўп бўлмаган дарз кетишларга эга
	2,47	25		

Тадқиқотларнинг навбатдаги босқичида волластонит концентрати (ВК) дағал ва майин майдаланишларга учратилгандан кейин фракцияларга ажратилди (2-жадвал). Ушбу фракциялар тадқиқотлар давомида заррачалар ўлчамидан келиб чиққан ҳолда турли хил материаллар олишда ишлатилди.

2-жадвал.

Волластонит ва вермикулитларнинг диспергирлаштирилган (майдаланган) фракциялари


№	1	2	3	4	5
Фракция	3,0 - 4,0 мкм	0,50 - 1,0 мкм	0,25 - 0,50 мкм	0,16 - 0,25 мкм	≤ 0,16 мкм

Волластонит, вермикулит минераллари ва бошқа асосий компонентларнинг майин дисперсли ҳолатда оловбардош ва теплоизоляция тўлдирувчи сифатида ишлатилиши муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки майин дисперс фракцияли тўлдирувчилар боғловчи материал таркибида бир текис тақсимланади ва шу сабабдан улар асосида гомоген лок-бўёк таркибларни ишлаб чиқиш имконияти яратилади. Бундай таркиблар ҳимоя қилинувчи юзани тўлиқ ва бир текис қоплаш имкониятини беради ва ушбу ҳолат ишлаб чиқиладиган таркибнинг оловдан ҳимоялаш кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, турли хил бўёқларни ишлаб чиқишда минерал тўлдирувчиларнинг майин дисперс фракциялари узоқ вақт чўкмасдан сақланиб туриши ҳисобига маҳсулотнинг сифат даражалари яхшиланишига эришилади. Ушбу ҳолатларда майдаланган волластонит ва вермикулит минераллари заррачалари ўзининг каварикланиш хоссасини йўқотмаслиги муҳим амалий аҳамиятга эга, чунки агар минерал заррачалар каварикланиш хоссасини йўқотса улар асосида ишлаб чиқариладиган материалларнинг иссиқлик-физик хоссалари салбий қийматга эга бўлишига олиб келади.


Диссертациянинг “Олов ва иссиқдан ҳимояловчи таркибларнинг ёғоч ва металл конструкцияларнинг ёнғинга бардошлилигига таъсирларини ўрганиш натижалари” деб номланган учинчи бобида янги юқори дисперсли волластонит, доломит ва термовермикулитлар ҳамда боғловчи сифатида натрийли суюқ шиша, акрил суспензиялари асосида янги таркибларни олиш, текшириш бўйича тадқиқотлар натижалари берилди ва улар асосида янги таркибли оловдан ҳимояловчи материаллар ишлаб чиқилди. Акрил суспензияси ва натрийли суюқ шиша асосидаги лок-бўёк таркибларнинг ёғоч материаллари ёнғин-техник хоссаларига таъсирлари ўрганилди.

Дастлаб қуруқ аралашманинг ўзи юпқа дисперсли волластонит асосида тайёрланади ва унга бир неча қўшимча компонентлар қўшилади – унга тўлдирувчилар сифатида доломит, термовермикулит ва қуруқ натрийли (силикатли) шиша боғловчи материал сифатида хизмат қилади (1-расм).



1-расм. Янги олинган олов ва иссиқдан сақловчи таркиблар

Дастлаб куруқ аралашманинг ўзи юпка дисперсли волластонит асосида тайёрланади ва унга бир неча қўшимча компонентлар қўшилади – унга тўлдирувчилар сифатида доломит, термовермикулит ва куруқ натрийли (силикатли) шиша боғловчи материал сифатида хизмат қилади. Таркибда оловдан химояланиш функциясини юқори дисперсликдаги волластонит, доломит, термовермикулитлар бажаради. Куруқ аралашмаларни акрил эмульсия билан аралаштириш асосидаги янги ёнғин ва иссиқликдан химояловчи таркиблар билан ёғоч материалларига ишлов берилиб, улар термик таъсирга махсус печда 50 дақиқа жараёнида синовдан ўтказилди (2-расм).



2-расм. янги таркиб билан ишлов берилган ёғоч намунаси устидан ўтказилган экспериментлар натижаси.


1. Таклиф этилаётган янги таркиб. 2. Россия олимлари томонидан ишлаб чиқилган амалдаги таркиблар. 3. Ишлов берилмаган таркиблар.

Синов пайтида ёғоч бўлаклари намуналарини термик таъсир бериш ҳарорати $750\text{--}780^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлган қиздириш вақти эса – 50 дақиқани ташкил қилган, агар қиздириш давомида химоя қопламаси ўзининг сифатларини сақлаб қолса қиздириш вақтини узайтириш имконияти эътиборга олинган. Ёғоч материаларни оловбардошлилигини тадқиқ қилиш учун икки турдаги композицияли таркиблар қўлланилди ва синовлар икки типдаги ёғоч бўлақлар намуналари билан ўтказилди: биринчиси – $90\times 55\times 25$ мм ўлчамга эга бўлақлар ва иккинчиси – $150\times 60\times 30$ мм ўлчамга эга бўлган бўлақлар. Ўлчовларни ўтказиш асосида олинган натижалар шуни кўрсатдики, ажраб чиққан газларнинг ҳарорати бўйича энг катта кўрсаткич химояланмаган синов намунада кузатилди.


Ишлов берилмаган синов намунаси печга киритганда фаол ёниш жараёни бошланди ва 120 сония ичида ўзининг 20 фоиз массасини йўқотди ва юзаси жуда куйдирилган кўмирсимон ҳолатга ўтди. Энг оловбардош таркиблар сифатида юқори дисперсли волластонитнинг 30, 40 ва 50 масс. %га эга таркиблари кузатилди. Бундай таркиблар билан қопланган бўлақларнинг синовида юзага келган жараёнларнинг куйидаги ҳолатлар кузатилди, бу жараёнлар ажралиб чиққан газларнинг ҳарорати бўйича белгиланган 1–2 дақиқа мобайнида ажраб чиқувчи газларнинг ҳарорати $145\text{--}150^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилди, бу эса қоплама билан ишлов берилган ёғоч намуналарида ёниш даражасини пастлигидан далолат берди. Иссиқлик энергияси шунда натрийли суюқ шишада бўлган сувни ажраб чиқишига

(бундай жараёнда ғовакли қатлам шаклланади), волластонит кукунини парчаланишига ва иссиқликдан ҳимоя қилувчи қатламнинг қизишига сарфланади. Шунда қатламнинг химояловчи устки қатлами майда ҳаво пуффакчалари билан қопланди. Иссиқ ҳарорат оқимини 8–10 дақиқа ичида намунага таъсир кўрсатганидан сўнг иссиқлик ёғочнинг асосий қатламига бориб етади ва ажралиб чиқувчи газларнинг ҳарорати 165–175°C гача кўтарилди.

Металл конструкциялар учун юқори ҳарорат таъсиридан самарали химоялаш усуллари топиш мақсадида оловбардош қавариқланувчи таркиблар билан тадқиқотлар ўтказилди. Волластонит кукуни асосида таркиблар ишлаб чиқилди ва бу қопламалар нақадар металл конструкцияларини химоя қилишда самарали бўлишини аниқлаш учун тегишли экспериментлар ўтказилди. Бунда тадқиқ этилаётган оловбардош таркибнинг тузилиши куйидагилардан иборат бўлди: 20 масс. % волластонит кукунидан, 20 масс. % қавариқланган термовермикулит кукуни эгаллаган, 30 масс. % доломит ва 30 масс. % натрийли суюқ шишанинг қурук концентратидан таркиб топган. Металл пластинанинг қизитилиши билан боғлиқ вақт ва унинг ҳароратини унинг қарама-қарши тарафидан ўлчаниши 120 дақиқага тенг бўлган. Металл пластинанинг ҳарорати термопар хромель-алюмель ёрдамида ўлчанди. Пластинани икки соат давомида қизитилиши натижасида визуал жиҳатдан унинг кўзга кўринадиган бузилишлари аниқланмади. Металл буюмлар ва конструкциялардаги оловбардош қопламаларнинг хусусиятларини ўлчаш бўйича экспериментлар натижалари:



3-расм. Юза майдони 100 см² бўлган оловбардош қопламасиз металл пластинанинг ҳарорати бир тарафини 120 дақиқа давомида 750–780°C ҳароратда қиздирилган графиги.



4-расм. Юза майдони 100 см² бўлган оловбардош қопламали металл пластинанинг ҳарорати бир тарафини икки соат давомида 860–1450 °C ҳароратда қиздирилган графиги: оловбардош қатлам қалинлиги ≈0,2 см.

Натрийли суюқ шиша ва юқорида қайд этилган волластонитларга эга

таркиб билан қопланган металл пластинанинг қизилтилмайдиган тарафидаги ҳароратни ўлчаш натижалари олинди. Бир соат ичида ҳароратнинг эгри чизиклари кўрсатилган. Шунини яхши кўриш мумкинки, қизитишдан сўнг 15–20 дақиқадан кейин эгри чизикларнинг қизитиш ҳарорати бир биридан 55–60°C фарқ қилганини, эгри чизиклар ўртасидаги ҳароратлар фарқи 130–135°C фарқ қилиб, экспериментнинг охиригача 120 дақиқа мобайнида сақланганининг шохиди бўламиз. Оловдан ҳимоялаш қатлами 0,20 см гача қалинликда эди. Қатламнинг энг максимал юпқа бўлиш ҳолатида ва унинг қалинлиги ($\approx 0,2$ см) эга бўлганида пластинанинг ҳароратини 120°C га пасайтириш мумкин (қатламга эга бўлмаган пластинага нисбатан). Бунда таркибдаги асосий компонентлар зарраларнинг катталиги 40–160 мкмдан иборат бўлган. Шундай қилиб, юпқа дисперсли волластонит, доломит ва вермикулитга эга таркиблар кам даражали иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятларига эга бўлиб, ҳимоя қатламининг нисбий жиҳатдан юпқа қопламага эга бўлсада (таҳминан 0,20–0,25 см) ёнишнинг сезиларли равишда ҳароратини пасайтириш хусусиятига эга.

Мазкур ҳолат бир қатор вазиятларда ёғоч ва металл конструкциялари ва материаллар учун ёнғин ва иссиқликдан ҳимоя қилувчи қопламалар турларидан қайси бирини танлашда ҳал қилувчи омилга айланиши мумкин. Тадқиқотларнинг кейинги этапида юқорида келтирилган стандартли натрийли суюқ шиша асосидаги волластонит ва вермикулитларнинг оловга бардош берувчи қопламаларини оловдан ҳимоялаш самарадорлигига дисперсли фракцияларнинг таъсири ўрганилди. Шундай композицияларнинг ёнғиндан ва иссиқликдан ҳимоя қилиш сифатларига улар концентрацияларининг таъсири ўрганилди. Бунда оловбардош тўлдирувчининг фоиз миқдорлари 5%дан 30%гача ўзгартирилган эди, натрийли суюқ шишанинг улуши 40% фоизгача миқдорни ташкил қилган эди. Дастлабки натижалар шунини кўрсатдики, олов ва иссиқликдан ҳимоялаш сифатлари натрийли суюқ шишанинг зичлиги (концентрацияси)га боғлиқ экан: қанчалик унинг зичлиги юқори бўлса, шунчалик таркибнинг ёнғиндан ҳимояловчи хусусиятлари ҳам юқори бўлиши илмий жиҳатдан ўз исботини топди.

3-жадвал.

Ёнғин ва иссиқликдан ҳимоя қилувчи янги таркибларнинг синови

№	Натрийли суюқ шиша%	Термовермикулит кукунни, %	Минерал волластонит Кукунни%	Ёғоч қириндилари, %	Базальт тола кукунни, %	Доломит, %	Ёниш даражаси бўйича ҳулоса
1.	40	20	15	10	10	5	Ёнувчан
2.	40	20	15	15	5	5	Ёнувчан
3.	40	20	20	5	10	5	Қийин ёнувчан
4.	40	20	25	5	5	5	Ёнмайди
5.	40	20	30	5	5	5	Ёнмайди

Таркибларнинг синов натижалари жадвалнинг 3, 4 ва 5 қаторларидаги кўрсаткичлар уларнинг юқори даражали самарадорлигини кўрсатди. Республикамизда илк бор ўтказилган экспериментлар натижасида янги самарали ёнғиндан ҳимояловчи ва иссиқликдан муҳофаза қилувчи таркиблар

маҳаллий хомашёлар термовермикулит кукуни, минерал волластонит, майдаланган ёғоч қириндиси, базальт толаси ва натрийли суюқ шишалар асосида ишлаб чиқилди ва улар қўллаш асосида қурилиш конструкцияларининг оловбардошлик самарадорлигини кўтариш имконияти яратилди. Эксперимент давомида маҳаллий минерал маҳсулоти асосида янги композицияли, оловбардош ва иссиқликка чидамли катламларнинг самарадорлиги исботланди. Бундай бинолар ташқи тўсик конструкциялари учун белгиланган иссиқлик узатишга қаршилиқнинг меъёрий қийматлари металл ва ёғоч конструкцияларнинг иссиқлик инерциясини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги функция кўринишида ифодалаш мумкин:

$$R_0^{Tp} = \frac{(t_B - t_H)n}{\Delta t^H \alpha_B}, \quad (\text{м}^2\text{°C/Вт}) \quad (1.)$$

бу ерда t_B – ёғоч ва металл намунасининг ҳисобий ҳарорат °C, хона таснифига боғлиқ ҳолда металлконструкцияларнинг термикбардошлиги; t_H – металл намунасининг ҳисобий ҳарорати, (°C), ёғоч конструкциянинг иссиқлик инерцияси D нинг қийматига боғлиқ ҳолда қабул қилинади; $\Delta t^H = t_B - \tau_H$ – конструкцияларнинг сиртининг ҳароратлари орасидаги фарқи, (°C); α_B – ёғочнинг иссиқликка бардош бериш коэффиценти, (Вт/м²°C), n – ёғоч ва металл конструкцияларнинг термикбардошлигини ҳисобга олувчи коэффицент.



5-расм. Металл ва ёғоч намуналарига термик таъсир бериш жараёни тасвирланган.

Металл ва ёғоч конструкция намуналари учун қуйидаги формула ёрдамида аниқланган иссиқлик ва термик таъсирга қаршилиқнинг қиймати R_0 юқорида аниқланган R_0^{Tp} қиймат билан таққосланади. Агар $R_0 \geq R_0^{Tp}$ шарт бажарилса, металл ва ёғочга берилган термик ва иссиқлик таъсирига ҳимояланган ҳисобланади. Бу натижаларнинг илмий асослари 2 ва 3 формулаларда ифодаланган.

$$R_0 = \frac{1}{\alpha_B} + \sum \frac{\delta_i}{\lambda_i} + \frac{1}{\alpha_H}, \quad (\text{Вт/м}^2\text{°C}) \quad (2.)$$


$$R_0 = \frac{1}{\alpha_B} + R_k^{np} + \frac{1}{\alpha_H}, \quad (\text{Вт/м}^2\text{°C}) \quad (3.)$$

бу ерда δ_i – алоҳида катламларнинг қалинлиги; λ_i – шу алоҳида катламлар материалларининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти,

(Вт/м²°С); α_H – девор ташқи сиртининг иссиқлик бериш коэффиценти, (Вт/м²°С); R_K^{IIp} – металл конструкциянинг келтирилган термик қаршилиги, (Вт/м²°С). Металл ва ёғоч конструкцияларнинг термик ва иссиқлик таъсирига қаршилигини қанчага ошириш кераклигини аниқлаш учун, унинг иссиқлик узатишга умумий қаршилигининг ҳақиқий қиймати R_0^ϕ ҳақида маълумот керак бўлади. Олинган натижалар асосида ташқи тўсик конструкциянинг иссиқлик узатишга қаршилиги R_0^ϕ 4-формула ёрдамида аниқланди:

$$R_0^\phi = \frac{t_B - t_H}{(t_B - \tau_B)\alpha_B}, \text{ (м}^2\text{°С/Вт)} \quad (4.)$$

бу ерда t_B – синалаётган ёғоч намунасининг термик таъсирдаги ўртача температураси, °С; t_H – ёғоч намунасининг улчашлар давридаги ўртача температураси, °С; τ_B – ёғоч намунасининг сиртининг ўлчашлар давридаги ўртача харорати, °С; α_B ёғоч намунасига иссиқлик бериш коэффиценти, (м²°С/Вт).



6-расм. Янги таркиб асосли оловбардош коплама ишлов берилган ёғоч намунасига 750–780 °С термик таъсир бериш жараёни.


Ёғоч намунасининг оловга бардошлилик даражаси деформация критик харорати 780 °С га етиши 45 дақиқада содир бўлди. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу намунасининг оловга бардошлилик чегарасининг бузилиш жараёни содир бўлмаган холда 50 дақиқадан кам бўлмаслиги керак. Чегаравий ҳолатнинг бошланиш вақтларидаги фарқни ёғоч намунасининг химоя қатлами қалинлигининг пасайишига олиб келди.

